

**«БИОКИМҮО» АЖ**  
акциядорларининг 2023 йил 27 июндаги  
Умумий йиғилиши қарори билан

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

Умумий йиғилиш Раиси О.Хуррамов



**«БИОКИМҮО»  
AKSIYADORLIK JAMIYATINING**

**Бошқарув тўғрисидаги  
НИЗОМИ  
(янги таҳрири)**

Янгийўл шаҳар – 2023 йил

## М У Н Д А Р И Ж А

1. Умумий қоидалар .....	3
2. Жамиятининг Бошқарувини тузиш тартиби ва Бошқарув аъзоларига малака талаблари. ....	3
3. Жамият Бошқарувининг ваколатлари ва таркиби. ....	4
4. Жамият Бошқарув Раиси. ....	4
5. Жамият Бошқарувининг мажлислари .....	5
6. Жамият Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. ....	7
7. Жамият Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги. ....	7

## 1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом «ВІОКІМҮО» Aksiyadorlik jamiyatining (бундан буён матнда Жамият деб юритилади) Бошқарувининг мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6-майдаги 370-сон «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонуни (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси” (бундан буён матнда Кодекс деб юритилади), 2018 йил 20 апрелдаги 15-сон баённомаси билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув қоидалари” (бундан буён матнда Қоида деб юритилади) ҳамда Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Жамият Бошқаруви ўз ишини қонунчилик, мазкур Устав ва акциядорлар Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган «Бошқаруви тўғрисида»ги низом асосида амалга оширади.

## 2. Жамиятининг Бошқарувини тузиш тартиби ва Бошқарув аъзоларига малака талаблари

2.1. Бошқарувининг сон таркиби жамият Уставида белгилаб қўйилган.

2.2. Жамиятининг Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарлари Умумий йиғилиши қарори асосида сайланади (тайинланади), бунда Бошқарув Раиси танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади ва умумий йиғилишда тасдиқлаш учун тавсия қилинади. Кузатув кенгаши томонидан Бошқарув аъзолари сайланади ва улар билан **уч йил** муддатга шартнома тузилади. Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари Кузатув кенгашининг тавсиясига асосан умумий йиғилишда сайланади (тайинланади). Бошқарув раислигига тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Бошқарув раиси бўлиши мумкин эмас. Бошқарув Раиси ва унинг ўринбосарлари танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади ва умумий йиғилишда тасдиқлаш учун тавсия қилинади. Танловда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин. Жамият Бошқарув раисига номзодларни кўрсатиш ва умумий йиғилишда тасдиқлаш учун тавсия бериш қонунчиликда белгиланган шарт ва тартиб асосида амалга оширилади.

Бошқарув аъзоси олий маълумотга ёки тегишли мос соҳада кўп йиллик иш стажига эга бўлиши, бошқариш, ишлаб чиқариш, маркетинг, молиявий, персоналлар, лойиҳалаш ва режалаштириш соҳаларида малака ва тажрибага эга бўлиши керак.

Амалдаги Қонун, фармон, қарор ва бошқа давлат органлари томонидан чиқарилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши;

Бошқарув органларида камида уч йиллик тажрибаси бўлиши керак

2.3. Бошқарув аъзоларининг таркиби Кузатув кенгаши қарори асосида сайланади (тайинланади). Бошқарув аъзолигига номзодлар сайланганда (тайинланганда) қарор оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.4. Жамият Бошқарув аъзолигига номзодларни сайлаш (тайинлаш) Кузатув кенгаши томонидан шахсий тартибда амалга оширилади. Бошқарув аъзолигига номзод Жамиятга ўзи жиноий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт.

Бошқарув таркибига у ёки бу номзодни тавсия этар экан Кузатув кенгаш Раиси шартнома тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун мукофотлаш миқдори ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган шартнома тузишга номзоднинг розилиги тўғрисида ахборот беради.

2.5. Жамият Бошқарув аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиганда Кузатув кенгаши мажлисида қатнашишлари мумкин.

2.6. Бошқарув таркибига таклиф қилинган номзодлар Кузатув кенгаши томонидан сайлангандан (тайинлангандан) кейин Бошқарув Раиси ва ҳар бир аъзоси билан тегишли лавозим бўйича мажбуриятларни бажариш юзасидан шартнома уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланади, ва шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида **ҳар йили** қарор қабул қилинади.

2.7. Жамият Бошқарувининг Раиси билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак. Жамиятнинг Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг Бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар шартнома шартларини бузган тақдирда, Жамият Уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

Жамият томонидан солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошқа тўловлар, давлат мақсадли фондлари, иш ҳақи ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек, кетма-кет икки чорак мобайнида бизнес-режанинг асосий параметрлари бажарилмаган тақдирда, Бошқарув раиси билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала Жамият Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Бошқарув раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш ёки муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарор:

- акциядорлар умумий йиғилишда қатнашаётган жамиятнинг овоз берувчи акциядорларнинг - акциялар эгаларининг кўпчилиги овози билан;
- кузатув кенгашининг мажлисида иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

Бошқарув раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, унинг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият Бошқарув раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

### **3. Жамият Бошқарувининг ваколатлари ва таркиби**

3.1. Жамият Бошқарувининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Жамият Бошқарувининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

акциядорлар Умумий йиғилишининг ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

жамиятнинг акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

жамиятнинг узоқ муддатли истиқболга оид ривожланиш стратегияси ва вазифаларни белгилаш учун беш йилдан ошқ давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун кузатув кенгаши ва умумий йиғилишга чиқариш;

жамиятнинг бизнес-режасини ишлаб чиқади;

жамиятнинг ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар, **маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари натижадорлиги юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича** ҳисоботларни мунтазам равишда кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш учун тайёрлаш;

маҳсулотлар сотиб олиш бўйича импорт шартномалари (уларга қўшимча шартномалар) ва уларнинг техник талабларини корхона раҳбарининг маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот-технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан келишиш;

замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган дастурий таъминотларни жорий қилиш;

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисоботини мунтазам равишда кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқиш учун тайёрлаш;

жамиятнинг стратегик мақсади сифатида акциялар нархининг ўсишига олиб келувчи молиявий барқарорликни таъминлаш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, ишлаб чиқариш, энергия самарадорлиги ва экспорт кўрсаткичларининг ўсиши, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга оширишни белгилаш;

жамият таркибига кирувчи ташкилотларнинг бошқарув органлари йиғилишларида ўзининг вакилларини жамият номидан овоз бериш тартибини белгилаш;

мансабдор шахсларнинг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотиш нархларини тасдиқлаш;

кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, ишлаб чиқариш ускуналари, автотототранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш ҳамда бегоналаштириш бўйича битимларни тузиш;

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684 “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни доирасида харидларни амалга ошириш ва битимларни тузиш;

жамият фойдасини тақсимлаш тўғрисидаги тавсияни тайёрлаш учун Кузатув кенгашига таклифни киритиш;

Бошқарув Раиси томонидан киритилган масалаларни ҳал этиш;

Қонунчилик, Корпоратив бошқарув кодекси ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

3.3. Бошқарувнинг сон таркиби бошқарув вазифалари бир ходим томонидан имкони борича кўп бажарилиши, бошқарув аппаратини қисқартириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда бир-бирини такрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва у билан боғлиқ бошқарув харажатларининг қисқариши принципларидан келиб чиқиб белгиланади.

3.4. Бошқарув таркибига Раис ҳамда Жамиятнинг асосий тузилмавий хизматлари, бўлинмалари ва шахобчанинг раҳбарлари киради.

3.5. Жамиятнинг Бошқарув Раиси ва аъзоларини моддий рағбатлантириш Жамият фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларига қараб амалга оширилади.

Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Қонунчилик билан белгиланган меъёр доирасида акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомда белгиланади. Низомда белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари тақиқланади.

Ваколатли давлат органига ахборотлар ва маълумотлар тақдим этилмаганда ёки ўз вақтида тақдим этилмаганда Бошқарув раиси рағбатлантиришга йўл қўйилмайди

3.6. Жамият Бошқарув Раиси мазкур Низомга мувофиқ Жамияти фаолиятидаги ўзгаришлар ва бошқа ҳолатлар муносабати билан Жамиятининг Бошқарув таркибига қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш ҳуқуқига эга.

#### 4. Жамият Бошқарув Раиси

4.1. Жамиятнинг Бошқаруви мажлисларини ўтказишни Бошқарув Раиси ташкил этади, у Жамият номидан барча ҳужжатларни ҳамда Жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, Жамиятнинг Бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган қарорларга мувофиқ Жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

4.2. Жамият Бошқаруви Раиси қуйидаги ваколатларга эга:

ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш;

жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

жамият номидан битимлар, шартномалар, контрактлар тузиш тузиш;

жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

штатларни тасдиқлаш ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритиш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жамият ходимларига иш ҳақини (барча турдаги устамалар ва меҳнати билан иштирок этиш коэффициентлари) белгилаш;

жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

жамият номидан ҳаракат қилиш учун ишончномалар бериш;

банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа рақамлар очиш;

жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

муовинлар орасида мажбуриятларни тақсимлаш ва ходимлар иш мажбуриятлари бўйича қўлланмаларни тасдиқлаш;

жамият бизнес хатарлари ва ижроия органлари жавобгарлигини суғурталаш;

акциядорлар, бошқарув ва назорат органлари аъзолари ўртасида ўзаро ишонч, ҳурмат, ҳисобдорлик ва назорат тамойиллари асосидаги ҳамкорликни таъминлаш;

Жамиятнинг акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ёки Бошқарув ваколатларига киритилмаган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;

Жамият кундалик фаолиятини амалга ошириш ва акциядорлар Умумий йиғилишининг, Кузатув кенгашининг ёки Бошқарув ваколатларига киритилмаган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

4.3. Бошқарув Раиси қуйидагиларга мажбур:

акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини таъминлаш;

Жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, ходимларнинг билимлари, малакаси, тажрибаси ва қойбилиятларидан самарали равишда фойдаланиш бўйича чораларни кўриш;

Жамият ходимларининг ижтимоий қафолатларига риоя қилиниши ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлаш;

Жамият ва унинг ходимлари томонидан Жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

Жамият мансабдор шахсларининг малакасини ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ошириш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг тегишли ҳолати ва ҳаққонийлиги ташкил қилинишини таъминлаш, шу жумладан, эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини, ва қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилиш;

жамият мулкани бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки куриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

жамият кўчмас мулклари, автомобилотранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини “E-auksion” электрон савдо платформасида сотиш ва ижарага берилишини таъминлаш;

ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

бир йилда бир марта акциядорлар Умумий йиғилишида йиллик ҳисоботни, ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш;

**ҳар чоракда** кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режаси бажарилишининг ҳолати ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида, **махаллийлаштириш ва саноат кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари натижадорлиги юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича** ҳисобот бериш;

тегишли органлар, акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларида Жамиятнинг ҳар йилги молиявий ва бошқа ҳисоботи, фаолияти тўғрисидаги ахборот ва маълумотларни ўз вақтида тақдим этилиши ва чоп этилишини назорат қилиш;

акциядорларга қонунчилик билан бериладиган ҳуқуқларини ҳимоя қилишини таъминлаш;

маъмурий харажатлар ҳисоби ва бошқалар билан тасдиқланган маблағлар доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва харажатларни амалга ошириш;

шартномалар бўйича мажбуриятларнинг ижросини таъминлаш;

қонунчилик ва Жамият Устави мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

4.4. Бошқарув Раисининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари шартномада у билан олдиндан келишиб олинади.

## 5. Жамият Бошқарувининг мажлислари

5.1. Жамияти Бошқарувининг мажлиси зарур ҳолларда ўтказилади. бироқ **бир ойда камида бир марта** ўтказилади. Бошқарув томонидан Кузатув кенгаш ёки акциядорларнинг Умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиладиган масалалар мажбурий тартибда Жамиятнинг Бошқаруви мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Жамияти Бошқарувнинг фикри ҳақида Кузатув кенгашида ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида Бошқарув Раиси ёки у томонидан ваколат берилган Бошқарув аъзоси ахборот беради ва ҳимоя қилади.

5.2. Жамият Бошқарувининг мажлисини Бошқарув Раиси ёхуд кўриб чиқиладиган масалалар тегишлилиги бўйича унинг ўринбосарларидан бири олиб боради.

5.3. Жамият Бошқарув мажлислари унинг Раиси томонидан Бошқарувининг бошқа аъзоларига ҳабар бериш йули билан чақирилади.

5.4. Жамиятнинг Бошқаруви мажлиси қворуми мавжуд бўлган тақдирда Жамият Бошқаруви ваколатли бўлади. Бошқарув мажлисини ўтказиш учун қворум Бошқарув аъзолигига сайланган аъзоларнинг камида **олтмиш** фоизи иштирок этганида қворум ҳисобланади.

5.5. Бошқарувининг мажлисида қарорлар агар қонун ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг **кўпчилик** овози билан қабул қилинади.

5.6. Жамият Бошқаруви мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси **битта** овозга эга бўлади. Бошқарувнинг бир аъзоси ўз овозини Бошқарувнинг бошқа аъзосига йўл қўйилмайди. Бошқарув аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда Бошқарувнинг қарорини қабул қилишда Жамият Бошқаруви Раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

5.7. Жамият Бошқарувининг мажлисида баённома юритилади. Бошқарув мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг **уч кундан** кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

5.8. Бошқарув мажлисининг баённомаси Бошқарув Раиси томонидан имзоланади, у мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Жамият Бошқаруви мажлисининг баённомасидан кўчирмани Жамият Бошқарув Раиси имзоланади, у мажлис баённомаси ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

## **6. Жамият Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

6.1. Бошқарув аъзолари лавозим йўриқномаси томонидан белгилаб берилган ваколатлар, улар билан тузилган меҳнат контракти шартлари, акциядорларнинг Умумий йиғилиши, Кузатув кенгашининг, Бошқарув қарорлари ва Бошқарув Раисининг кўрсатмалари доирасида иш тутаяди.

6.2. Бошқарув аъзоларининг (шу жумладан Бошқарув Раисининг) аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари улар билан тузилган контрактларда қонунчилик, Корпоратив бошқарув Кодекси ва Қоидалари, жамият Устави ва мазкур Низомга мувофиқ белгиланади.

6.3. Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Бошқарув Раиси томонидан Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб акциядорлар Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

6.4. Бошқарув аъзолари ўзларининг мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамияти манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга ошириш.

6.5. Акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи бошқарув вакиллари бошқарувга аъзолар сайлаш масаласида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

6.6. Бошқарув аъзолари Бошқарув томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

6.7. Бошқарув аъзолари Жамияти имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятининг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

## **7. Жамият Бошқарув аъзоларининг жавобгарлиги**

7.1. Жамият Бошқаруви аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Бошқарув аъзоси давлат иштирокидаги корхоналар билан боғлиқ ҳар қандай масала ёки битим бўйича ҳар қандай манфаатдорлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиши шарт.

7.2. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Агар жамиятнинг Бошқаруви томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва



бунда жамият директорининг ёки бошқарув аъзоларининг ёхуд ишончли бошқарувчининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

7.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

7.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида **бир** фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.5. Суд жамиятнинг Бошқарув аъзосини жамиятга мулкӣ зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

7.6. Жамиятнинг Бошқарув аъзоси жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни тақлиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.